

“Худудлашкан тезкор хизмат турлари” МЧЖ
директорининг 2025 йил 30 декабрдаги
59 -сонли буйруғи билан тасдиқланган



Оммавий оферта

Аджастер хизматларини кўрсатиш/хужжатларни йиғиш бўйича топшириқ тўғрисида

«30» декабр 2025 йил

Тошкент шаҳри

Ушбу Оферта юридик ва жисмоний шахсларга, “Худудлашкан тезкор хизмат турлари” МЧЖ (кейинги ўринларда – Ижрочи) томонидан хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузишга қаратилган расмий оммавий оферта ҳисобланади.

I. Шартнома предмети

1.1. Мазкур шартномага бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғи билан Илова билан белгиланган хизматларни бажариш ёхуд унинг номидан юридик ҳаракатларни содир этиш, Буюртмачи эса бу хизмат ва топшириқлар (кейинги ўринларда – Хизматлар) учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. «Ижрочи» хизматларни самарали бажариш мақсадида (78) 120-00-07 телефони орқали 24/7 ишлайдиган кўнғироқ марказини ташкил этади.

1.3. «Ижрочи» томонидан топшириқлар тўлиқ амалга ошириш учун, «Буюртмачи» ишончнома расмийлаштириши шарт.

1.4. “Буюртмачи” томонидан бирор бир хизмат учун тўловни амалга ошириши, ушбу шартномани акцепт қилганлигини билдиради. Ушбу вақтдан бошлаб, мазкур шартнома тузилган ҳисобланади.

II. Хизматларнинг умумий қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. Шартнома бўйича тақдим этилган ҳар бир аниқ Хизматларнинг тўлов миқдори, Шартноманинг иловасига мувофиқ белгиланади.

2.2. «Буюртмачи» ушбу шартнома бўйича 100% олдиндан тўлов амалга оширади.

2.3. Хизмат нархи шартнома амал қилиш давомида тақдим этиладиган хизматлар нархидаги ўзгаришларга қараб ўзгартирилиши мумкин.

III. Томонларнинг мажбуриятлари

3.1. «Ижрочи» мажбуриятлари:

3.1.1. Тегишли сифатли хизмат/топшириқларни келишилган ҳажмда кўрсатиш;

3.1.2. Шартнома шартларига мувофиқ Хизматларни тақдим этиш муддатларига риоя қилиш;

3.1.3. Хизматлар кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ушбу шартномага қатъий амал қилиш;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги тўғрисида дарҳол Буюртмачига хабар бериш.

3.1.5. Хизматлар тугагач, «Буюртмачи»га бажарилган кўрсатилган хизматлар далолатномаси тақдим этиш.

3.2. «Буюртмачи» мажбуриятлари:

3.2.1. Хизматлар учун тўловни ушбу шартнома шартларига мувофиқ амалга ошириш;

3.2.2. «Ижрочи» талабига кўра, зарур ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиш;

3.2.3. Хизматлардан воз кечиш ҳолатида, кўрсатилган Хизматлар учун ҳақ тўлаш.

IV. Томонларнинг ҳуқуқлари

4.1. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.1.1. Буюртмачи Хизматларни тақдим этиш учун зарур бўлган барча сўралган маълумотларни (хужжатларни) тақдим этмаган тақдирда, Буюртмачини хабардор қилган ҳолда, хизматларни тақдим

етишни бир томонлама тўхтатиб туриш, Буюртмачи барча керакли маълумотларни (ҳужжатларни) тақдим этганда, хизматларни тақдим этишни қайта тиклаш;

4.1.2. Буюртмачидан кўрсатилган Хизматларнинг ва бошқа келишилган тўловларни белгиланган миқдорда ўз вақтида тўлашни талаб қилиш;

4.1.3. Шартнома юзасидан Хизматларни кўрсатиш мақсадида ҳар қандай юридик ҳаракатларни амалга ошириш.

4.2. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Ижрочидан ушбу шартнома талабларига мувофиқ Хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;

4.2.2. Хизматлар кўрсатилишининг бориши тўрисида ахборот олиш;

V. Хизматларни бажариш муддати ва қабул қилиш тартиби

5.1. Шартнома бўйича тақдим этилган Хизматлар оқилона муддатларда кўрсатилади.

VI. Махфийлик

6.1. Ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ томонлар томонидан тақдим этилган техник, молиявий, тижорат ва бошқа маълумотлар махфийдир.

6.2. Томонлар олинган маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор қилинишини олдини олиш учун барча зарур ва етарли чораларни кўрадилар, махфий маълумотлар томонларнинг келишуви билан ошкор қилинган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек, қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

6.3. Йўл-транспорт ҳодисаларининг фото/видеолари, шунингдек, Ижрочи ходимларининг кузатув камерасидаги (body camera) тасвирлар махфий ҳисобланмайди.

Ижрочи, юқорида қайд этилган фото/видео материалларни Буюртмачининг рухсатисиз ижтимоий тармоқларга жойлаштиришга ҳақли.

6.4. Томонлар ўз эҳтиёжлари учун фойдаланадиган ҳужжатлар шакллари хужжат муаллифининг ёзма рухсатисиз учинчи шахсларга топширишга ва ҳеч қандай тарзда фойдаланмаслиқни тасдиқлайдилар.

VII. Томонларнинг жавобгарлиги

7.1. Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ушбу шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун ўзаро жавобгар бўлади.

7.2. Ижрочи суғурта компанияси томонидан суғурта товонни ўз вақтида тўламаганлиги, шунингдек суғурта компаниясининг суғурта товонини тўлашдан бош тортиш тўғрисидаги қарори учун жавобгарликни олиб бормайди.

7.3. Ушбу шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятлар кечиктирилган тақдирда, Ижрочи Буюртмачига кўрсатилмаган Хизматларнинг умумий қийматидан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,1% миқдорида пеня тўлайди, лекин бундай пенянинг умумий суммаси 10% дан ошмаслиги керак.

7.4. Кўрсатилган Хизматлар учун тўлов кечиктирилган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига тўланадиган сумманинг ҳар бир кунига 0,1% миқдорида пеня тўлайди, пеня умумий сумманинг 10% дан ошмаган ҳолда.

7.5. Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловни асоссиз равишда тўлиқ ёки қисман рад этганлик учун Буюртмачи Ижрочига тўламаган сумманинг кечиктирилган кун учун 20% миқдорида жарима тўлайди.

7.6. Жарималарни тўлаш, шунингдек зарарни қоплаш томонларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди, мажбуриятларнинг бажарилиши ўз аҳамиятини йўқотган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

VIII. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси мазмунидаги фавқулодда ҳодисалар натижасида форс-мажор ҳолатларининг натижаси бўлганлигини исботласалар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинади.

8.2. Форс-мажор ҳолатлари ҳақида хабар бериш масъулияти ваколатли органга юклатилади.

8.3. Бундай ҳолатлар юзага келган кундан бошлаб ўн календар кун ичида ҳисобот бермаслик ёки ўз вақтида хабар бермаслик, томонни ушбу ҳолатларнинг ҳар бирига шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қиладиган асос сифатида мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Форс-мажор ҳолатлари факти ваколатли орган томонидан берилган ҳужжат билан тасдиқланади. Форс-мажор фактини тасдиқлаш мажбурияти ўз вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган томонга юкланади.

IX. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Шартнома бўйича юзага келган барча низо ва келишмовчиликлар, аввало, музокара йўли билан ҳал этилади.

9.2. Агар музокара натижа бермаса, низолар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

X. Яқуний қоидалар

10.1. Ижрочи Шартномага ўз хоҳишига қўра ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга. Ўзгаришлар эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

10.2. Шартнома Буюртмачи уни акцепт қилган пайдан кучга киради ва томонлар мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

10.3. Шартномада кўрсатилмаган масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.

10.4. Барча илова ва қўшимчалар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

XI. Юридик манзил ва банк реквизитлари

«Ижрочи»:

«Xududlashgan tezkor xizmat turlari» МЧЖ

100135, Тошкент ш., Янги Ҳаёт тумани,

Файзли МФЙ, ул. Райҳон, С02-1023

р/с 2020 8000 3057 0509 0003

МФО 01125, «Халқ банки»

ИНН 310 806 200

тел.: (78) 120 00 07

Беш директор:

Жураев О.Р.



2025 йил “30” *декабр* даги №59
сонли шартномага илова

ХИЗМАТЛАРНИНГ ТЎЛОВ МИҚДОР ВА МУДДАТЛАРИ

№	Хизмат номи	Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятлар	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти
1.	Европротокол	618 000 сўм	824 000 сўм
2.	Баҳолаш автотранспорт	618 000 сўм	618 000 сўм
3.	Баҳолаш бино-иншоот	824 000 сўм	824 000 сўм
4.	Баҳолаш буюм-техника	206 000 сўм	206 000 сўм
5.	Ундирув мажбурий ИТХ бўйича	824 000 сўм	618 000 сўм
6.	Ундирув мажбурий тан жароҳати бўйича	1 030 000 сўм	1 030 000 сўм
7.	Ундирув мажбурий ўлим ҳолати бўйича	1 236 000 сўм	1 236 000 сўм
8.	Ундирув ихтиёрий турлар бўйича	1 030 000 сўм	1 030 000 сўм
9.	Эвакуатор хизмати шаҳар марказларига	200 000 сўм	400 000 сўм
10.	Эвакуатор хизмати туманларга	350 000 сўм	450 000 сўм

«Ижрочи»:

«Худудлашган тезкор хизмат турлари» МЧЖ

Бош директор:

Жўраев О.Р



